FARG'ONA VILOYATI RISHTON TUMANI HOKIMINING
QARORI

2021 - yil 17 - dekabr 201-11-158-Q/21 Rishton tumani hokimligi

Туманнинг қишлоқ аҳоли пунктлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш тарифларини белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари”нинг 118-банди ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманнинг қишлоқ аҳоли пунктларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш тарифлари 1-иловага мувофиқ, қишлоқ ҳудудидаги ижтимоий соҳа объектларига ичимлик сувини махсус техникаларда етказиб бериш тарифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари эълон қилинадиган расмий манбаларда (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий нашрлари) расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Н.Орипов зиммасига юклансин.

Туман хокими **С.Солиев**